

## ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИНТЕГРАТИВ КРЕАТИВЛИГИНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИКАЛАРИ

Мухайё Тожиёвна Жуманиёзова

п.ф.н., доцент Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Педагогика ва  
психология кафедраси  
[mukhayo7205@mail.ru](mailto:mukhayo7205@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ўқитувчининг касбий креативлигини аниқлаш ва баҳолаш методикалари, креативликнинг хусусиятлари, касбий креативлик мезонлари, шу йўналишда амалга оширилган илмий изланишлар натижалари ва таҳлили ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** креативлик, индикатор, ижодий қобилиятни шакллантириш, креативликнинг когнитив жиҳатлари, креативликни аниқлаш тестлари

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются методы определения и оценки профессионального креативность учителей, характеристики креативных способностей, критерии профессионального творчества, результаты и анализ научных исследований в этой области.

**Ключевые слова:** креативность, индикатор, формирование креативных способностей, когнитивные аспекты творчества, тесты на креативность.

### ABSTRACT

The state considers methods for determining and evaluating the professional creativity of teachers, characteristics of creative abilities, criteria for professional creativity, results and analysis of scientific research in this area.

**Keywords:** creativity, indicator, formation of creative abilities, cognitive aspects of creativity, tests for creativity.

Креатив тафаккур замонавий бошқарувчилар, ўқитувчилар, таълим олувчилар тафаккури бўлиб, узлуксиз таълим тизимининг энг куйи босқичларидан тортиб унинг энг юқори босқичларигача



бўлган жараёнда иштирок этади, тараққиёт такомиллиги, ўсиши, ривожланиши, кенгайтилиши ва мўтадил сақланишининг воситаси, унинг асосий қуроли ҳисобланади.

Креатив тафаккур замонавий дунёда таълимнинг энг муҳим функцияларини амалга оширади. Замонавий таълим жараёнини режалаштириш, ташкиллаштириш, амалга ошириш, натижаларни таҳлил қилиш, асослаш, назорат қилиш жараёнида ўқитувчининг креатив тафаккури ўзини намоёт этади.

Олий таълим тизимида фаолият юритаётган педагогларнинг креатив сифатларга эга бўлиши уларда ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишга анъанавий ёндашувдан фарқли янги ғояларни яратиш, бир қолипда фикрлашдан қочиш, ўзига хослик, ташаббускорлик, ностандарт фикрлаш, янгиликни ўз вақтида илғаш имкониятини беради. Олий таълим муассасаси ўқитувчисининг касбий ривожланишида мотивация, кадриятлар ва шахсий хусусиятлар асосий роль ўйнайди.

Креативликка ўргатиш, ижодий қобилиятларни шакллантириш масалалари (Дж. Гилфорд, Дж. Гилмер, К. Роджерс, Э.Торренс ва б) илмий асосда ўрганиб чиқилган ва таҳлил қилиб берилган.

Э.Торренс томонидан тақлиф этилган модел (концепция)да агар мутахассисда IQ кўрсаткичи 115-120 дан паст бўлса, ақл ва креативлик ягона омилни ташкил қилади, IQ кўрсаткичи 120 дан юқори бўлса, креативлик мустақил қийматга айланади.

Ж.С.Рензулли иқтидорли шахс-инсон фазилятларнинг учта асосий гуруҳи ўртасидаги ўзаро таъсирни акс эттиради, улар ўртачадан юқори умумий қобилиятлар, топшириқда юқори даражада иштирок этиш ва юқори даражадаги креативлик, ижодкорлик эканлигини ўз изланишларига таъкидлаб ўтади. Муаллимнинг фикрича, креатив одамларда бундай фазилятлар тизими мавжуд ва улар бу фазилятларни фаолиятининг исталган соҳасида қўллашга қодир.

Э.Торренс креативликнинг мезонлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтади:

равонлик – вақт бирлигида юзага келадиган фикрлар сони;

• ўзига хослик - умумэътироф этилганлардан фарқ қиладиган ноодатий ғояларни ишлаб чиқариш қобилияти;

• мослашувчанлик- ушбу параметрнинг аҳамияти иккита ҳолатга боғлиқ: биринчидан, бу параметр муаммони ҳал қилиш жараёнида мослашувчан шахсларни уларни ҳал қилишда қатъийлик

кўрсатадиган шахслардан ажратиш имконини беради, иккинчидан, асл муаммоларни ҳал қиладиган шахсларни ёлғон ўзига хослик кўрсатадиганлардан ажратиши мумкин.

сезувчанлик–ноодатий белгиларга, қарама-қаршиликларга ва ноаниқликка сезгирлик, бир фикрдан иккинчисига тез ўтишга тайёрлик;

метафора - мутлақо ғайриоддий контекстда ишлашга тайёрлик, рамзий, ассоциатив фикрлашга мойиллик, мураккабни оддий кўриш қобилияти, мураккабни соддалаштириш;

ривожланиш (фаолиятдан қониқиш) – муаммонинг ҳал этилганлигини англаш ҳисси, ижодкорликнинг намоён бўлиши натижаси. Салбий натижа ҳис-туйғуларнинг маъноси ва кейинги ривожланишини йўқотади [2].

**Шахснинг креатив потенциални баҳолаш усуллари (кўп қиррали ёндашув):**

Креативликнинг когнитив компонентини баҳолаш. Ушбу тоифадаги тестлар фикрлашнинг асосий жараёнларини ўлчаш учун мўлжалланган бўлиб, улар шахснинг дивергент кўрсаткичлари- равонлик, мослашувчанлик ва ўзига хосликни аниқлашга ёрдам беради. Жумладан:

- А. Бинет, Т. Симоннинг "Сиёҳ доғи" тести - тасаввурни ташхислаш (одам сиёҳ доғида нимани кўради? деган саволга жавоб бериш ёрдамида), жавоблар сони ҳисобланади ва уларнинг табиати баҳоланади;

- адабий тасаввур учун тест (А. Бинет, Т. Симон) - берилган от ва феъллардан тасодифий танлаб, улар иштирокида гап тузиш орқали шахснинг адабий тасаввурлари кенглигини аниқлашга имкон беради. Бу тестларда тузилган гапларнинг сони ва хусусияти баҳоланади;

- М. М. Уоллах, Н. Коган томонидан таклиф этилган ғояларнинг дивергент авлоди учун вазифалар тести. . Ушбу тестларда фикрларнинг умумий сони ва оригинал жавоблар сифати баҳоланади;

-В.В. Мороз креативликнинг диагностик ўлчови сифатида вазифаларнинг беш гуруҳини ажратиб кўрсатади. Булар санаб ўтиш, ноодатий фойдаланиш, ўхшашликни, рақамларни ва чизмаларни талқин қилиш орқали шахс креативлигини ташхислаш имконини беради.

-Э. Торренснинг креатив фикрлаш учун тестлари эса креатив фикрлашнинг миқдорий (мослашувчанлик ва равонлик) ва сифат (ўзига хослик) жиҳатларини баҳолашни таклиф этади.



-Инсайт (бу креатив шахсларда кутилмаганда мия фаолиятининг ўз-ўзидан муаммони тушунишга ва уни тезда ҳал қилиш йўлини топишга ёрдам берадиган функцияси) ва узоқ ассоциацияларни ўрганиш усуллари ижодий салоҳиятни ўлчашга қаратилган, чунки бу турдаги муаммоларни ҳал қилиш танлаб кодлаш, таққослаш ва бирлаштириш қобилиятини талаб қилади.

- Р. Стернберг, Д. Давидсон, С. Медниклар томонидан таклиф этиладиган тушунчани ўрганишга қаратилган вазифалар тести;

-К. Дуган, Э. Шиф, Л. Уелшларнинг сўзлар ва объектлар ўртасидаги боғланиш тестлари;

- метафора учун тестлар (Ф. Баррон);

- узоқдаги уюшмаларни аниқлаш учун тест (С. Медник);

- креативлик сўровномаси (Д.Жонсон).

Биз креативликни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган ўзгарувчан индикаторларга асосланиб, бир қанча методикаларни педагогик тажриба-синов ишлари жараёнида амалда қўлладик. Сўровнома ва тестлар олий таълим тизими ижтимоий-гуманитар йўналиш ўқитувчиларининг касбий креативлигини дастлабки ташхислаш имкониятини берди ва тажриба-синов ишларининг биринчи босқичи учун зарур методик таъминотни ишлаб чиқишда фойдаланилди

Сўровномалар таҳлиллари Э.Торренс томонидан таклиф этилган мезонлар бўйича. респондентларда равонлик, ўзига хослик, мослашувчанлик, инновациялар, янгиликларни сезувчанлик қобилиятини ривожланганлигини, ғайриоддий контекстда ишлашга тайёрлик, рамзий, ассоциатив фикрлашга мойиллик, мураккабни оддий кўриш қобилияти, мураккабни соддалаштириш малакалари, фаолиятдан қониқишни мавжудлигини аниқлашга имкон берди.

Санаб ўтилган методикаларнинг барчаси креатив фикрлаш ва хулқ-атворни баҳолаш, шу жумладан ўз-ўзини баҳолаш ва креативликни эксперт баҳолашга йўналтирилган сўровномалар ҳисобланади. Ушбу усуллар, баъзи камчиликларга эга бўлишига қарамай, кўпинча креативликнинг асосий жиҳатларини ўлчаш учун ишлатилади, чунки улар қисқа вақт ичида микдорий баҳолаш ва қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, кўриб чиқилган креативликни ўлчаш, тадқиқ этишнинг мавжуд усуллари шахснинг креатив сифатлари,

креатив жихатлари, диагностика воситалари, табиати, шакли, вақт чегаралари ва ёш хусусиятига қараб фарқланишини кўрсатади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб сайти. <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1371>
2. Матюшкин А.М. Некоторые проблемы психологии мышления. «Психология мышления». / Сборник переводов с английского и немецкого под ред. А.М.Матюшкина. - М.: «Просвещение», 1965.
3. [https://nsportal.ru/blog/obshcheobrazovatel'nayaematika/all/2012/11/08/pedagogic\\_heskaya-kreativnost-kak-vedushchiy](https://nsportal.ru/blog/obshcheobrazovatel'nayaematika/all/2012/11/08/pedagogic_heskaya-kreativnost-kak-vedushchiy) 24.12.2019
4. Эйхвальд О.И. Педагогическая креативность как фактор профессионального развития// Успехи современного естествознания.–2013.–№10.–С.157-158; URL: <http://www.natural-sciences.ru/ru/article/view?id=33044> (дата обращения: 24.12.2019).
5. [https://texts.news/innovatsionnaya-pedagogika\\_1332/kreativnost-kak-vajneyshaya-harakteristika-43566.html](https://texts.news/innovatsionnaya-pedagogika_1332/kreativnost-kak-vajneyshaya-harakteristika-43566.html) 24.12.2019
6. Мороз В.В. Диагностическое измерение креативности студентов университета. Вестник Оренбургского государственного университета 2015. №2 (177). Стр.112-117
7. Е.П.Ильин. Психология творчества креативности, одаренности. Питер.<https://parksgt.tsu.ru/upload/iblock/aa9/aa9d04efbc67703011c9623eb383db15.pdf>
8. Нурматов, А., & Бекмиров, Т. (2021). Развитие креативности будущего учителя в процессе (Doctoral dissertation, Тошкент).
9. Bekmirov, T., Axmedova, M., Melibayeva, R., Askarova, N., & Nurmatov, A. (2022). Kasbiy pedagogika.
10. Бекмиров, Т. Р. (2019). Professional pedagogy of higher education as an important factor. Интернаука, (44-2), 61-62.

